*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**28 декабрь**
ШАНБА
**№ 104** (12636)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Иқтисодиёт

# ТАШҚИ БОЗОРГА ЙЎЛ

**Зангиота туманидаги "Келес-жун" корхонаси бир вақтнинг ўзида икки йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Биринчи цехда аҳолидан сотиб олинган қўй жуни қайта ишланиб, қадоқланади. 7 йил илгари чет эл инвестицияси ҳисобига янги технологик жиҳозлар сотиб олинди. Жунни ювиш дастгоҳлари ўрнатилгани ҳам айни муддао бўлди.**

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Корхона очилганида йилига 30 минг долларлик хом ашё экспортга чиқарилган бўлса, бугунга келиб, хорижликларга 200 минг долларлик жун ўз вақтида етказилмоқда.

Корхонанинг иккинчи цехида трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, мижозларга жўнатилмоқда. 100 фоиз пахтадан тикилаётган бу кийим-кечаклар анча харидоргир. 50 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётган цехдаги тизим компьютерлашган. 30 дан зиёд ишчи йилига 50-60 минг долларлик маҳсулот тайёрлашмоқда. Шуниси қувонарлики, корхонанинг ҳам жун, ҳам трикотаж маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилган. Россия ва Украинадаги мижозларга трикотаж маҳсулотлар маъқул келиб, улар билан узоқ муддатли шартномалар тузилган.

**Феруза ТЎРАЕВА.**



**СУРАТДА:** (чапдан) модельер Дилфуза Назарова ва ишчи Шаҳноза Ғофурова.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXXII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXXII сессияси 2013 йил 28 декабрь куни соат 15.00 да вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 27 декабрь.

**Замонавий хизмат:**

## ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

**Поёнига етаётган Обод турмуш йилида вилоятимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг иқтисодиётдаги салмоғини ошириш, тармоқда банд бўлган аҳоли сафини янада кенгайтириш, истеъмол бозорини турли-туман сифатли ва замонавий хизмат турлари билан бойитиш, бунинг учун тадбиркорлар фаоллигини кучайтиришга оид саъй-ҳаракатлар салмоқли натижалар берди.**

Пуллик хизматлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,2 фоиз ўсди. Бу рақам айниқса, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, молия ва банк, сайёҳлик хизматлари тармоғида янада салмоқли бўлаётгани эътиборлидир. Туман ва шаҳарларда мингдан ортиқ янги хизмат ва сервис объектлари ишга тушди. Бу, ўз навбатида ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар салмоғи 46,6 фоизга етишида муҳим омил бўлди. Айниқса, Янгийўл, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманлари, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Масалан, Пискент тумани марказида қад ростлаган икки қаватли муҳташам савдо ва маиший хизмат мажмуаси ҳудуд аҳлига катта қулайлик яратди. "Саломат барака" номини олган мажмуада озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-рўзғор ва хўжалик анжомлари савдосидан тортиб, тамаддихона, дорихона, сартарошхона, суратхона, маиший буюмлар устахонаси, электрон тўловлар каби ўндан ортиқ замонавий хизматлар тақдим этилмоқда.

Бугун Қибрай туманидан Чирчиқ шаҳрига, ундан ўтиб, Бўстонлиқ тарафларга юрсангиз марказий кўча бўйлаб йўл чеккаларида бири биридан кўркам, замонавий бино ва иншоотлар қад ростлаётганига гувоҳ бўласиз. Бу мажмуалар ҳудуд аҳли ва меҳмонлари учун Обод турмуш йилининг ўзига хос туҳфалари бўлиш баробарида жойларда янги иш ўринлари яратмоқда.

– Мажмуамизда 20 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди, – дейди Чирчиқ шаҳридаги "Шуҳрат" маиший хизмат ва савдо мажмуаси раҳбари, тадбиркор Шуҳрат Ўсаров. – Ҳозир бу ерда тўққизта шахобча ишлаб турибди. Харидорлар савдо расталаримиздан озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, хилма-хил халқ истеъмол молларини мақбул нархларда харид қилиш имконига эгалар. Кўрсатилаётган хизмат турларидан ҳам ҳамшаҳарларимиз мамнун.

Кимёгарлар шаҳрида йил давомида худди шу каби йўналишлар ҳисобидан қарийб 600 кишининг бандлиги таъминланди.

"Тошкент-Чорбоғ" автотрассасига йўли тушган киши трасса ёқасидаги катта бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлади. Улар орасида, айниқса, Янгибозор қўрғони тарафга бурилишдаги янги массив эътиборга молик. Яқиндагина барпо этилган бу янги массивга "Истиқлол" деб ном берилгани узукка кўз қўйгандек муносиб тушди. Негаки, тўрт-беш ойнинг нариберисида бу ерда намунавий лойиҳа асосида 20 та тураржой қурилиши бошланганди. Бунёдкорлик ишлари қисқа фурсатда ниҳоясига етиб, хонадон соҳиблари бирин-кетин янги ҳовлиларга кўчиб ўтишди. Эътиборлиси шундаки, уй-жойлар қурилиши билан бирга массивда ҳавас қилса арзигулик инфратузилма юзага келди. Эндиликда "Истиқлол" аҳлига замонавий супермаркет, маиший хизматлар мажмуаси, истироҳат хиёбони, тиббиёт пункти, нон цехи хизмат кўрсатаётир. Ҳудуд ёшларига атаб эса иккита табиий ва сунъий қопламали стадион қуриб берилди. Янги қад ростлаган кўркам ва шинам маъмурий идорага маҳалла фуқаролар йиғини жойлашди.

*(Давоми 2-бетда).*

Семинар

## ИНСОН МАНФААТИ – УСТУВОР

**Пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамкорлигида "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили" мавзуида семинар уюштирилди.**

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган тадбирдан мақсад мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар самарасини халққа етказишда журналистларнинг масъулиятини ошириш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари бўйича фаолият юритаётган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришдир.

– Ҳуқуқий маданияти шаклланган фуқаро ўз ҳуқуқи, эркинлиги, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларини яхши англайди, – деди тадбир ташкилотчиси, жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. – У ҳуқуқлари бузилган тақдирда қачон, қаерга ёки кимга мурожаат қилишни билади. Фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг роли катта.

Семинар сўнгида бир йил аввал эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" республика кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Доимий комиссияларда

## ЯКУНЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Обод турмуш йилида амалга оширилган ишлар таҳлили ва Соғлом бола йилидаги асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**



Йиғилишда вилоят ҳокимлиги тегишли котибият ва бошқармалари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Тошкент давлат аграр университети, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, туман фермерлар кенгашлари, Марказий банк ва тегишли тижорат банклари, партияларнинг вилоят кенгашидаги гуруҳлари вакиллари ҳамда қатор фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Комиссия йиғилишида вилоят ҳокимлиги чорвачилик ишлари давлат инспекцияси, Чирчиқ – Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, вилоят "Сувоқава" МЧЖнинг ҳисоботлари тингланди ва муҳокама қилинди. Шунингдек, доимий комиссиянинг Соғлом бола йилида амалга ошириши зарур бўлган асосий вазифалари белгилаб олинди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясининг йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

## ИШ РЕЖАСИ КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Комиссия аъзолари давлат дастурларининг жойлардаги ижроси ва сессияларда кўрилган масалалар мониторинги хусусида фикр юритишди. Шунингдек, 2014 йилги иш режалари ҳақида келишиб олишди.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**



Давра суҳбати

**Тошкент вилояти прокуратурасида "Қонунчилик тарғиботида глобал ахборот тармоқларидан фойдаланиш" мавзуидаги давра суҳбати ташкил этилди. Унда Республика Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари ходимлари ва тингловчилари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат алоқа қўмитаси, вилоят прокуратураси, ОАВ ходимлари ҳамда Тошкент давлат юридик институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.**

## ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ ВА МАТБУОТ

Сўзга чиққанлар "Қонунчилик тарғиботида ОАВ билан ҳамкорлик", "Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқий тарғиботида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни", "Электрон ҳукумат: назарий-концептуал жиҳатлар", "Давлат бошқарувида ошкораликни таъминлашда глобал ахборот тармоқларининг роли", "Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда матбуотнинг ўрни" каби мавзуларда фикр юритишди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



Тақдимот

## АРАФАДАГИ МАРОСИМ



**Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Паркент туман бўлими янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Янги йил арафасида фойдаланишга топширилган бинони тумандаги "Бизнес файз – қурилиш таъмир сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда фахрийларга кўрсатилаётган эътибор ва яратиб берилаётган қулайликлар ҳақида гапириб, ушбу бино туман пенсионерларига чинакам Янги йил совғаси бўлганини таъкидлашди.

Шу куни бу ерда Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг шаҳар, туман бўлимлари мутахассислари ва вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармалари вакиллари учун пенсия жамғармалари бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фуқароларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишга қаратилган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

**2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**

## ЯНГИ ЙИЛДА УЧРАШГУНЧА!




**Азиз муштарийлар! Халқимизга беқиёс қувонч ва шодликлар бахш этган, турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлишида муҳим аҳамият касб этган 2013 – Обод турмуш йили поёнига етмоқда. Йил давомида Сизлар билан жамият тараққиётининг турли жабҳаларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ёритиш орқали газетамиз саҳифаларида дийдорлашиб турдик. Муаммоларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилдик. Бизнинг фаолиятимизга бефарқ бўлмай, ўз фикр-мулоҳазаларингизни, таклифларингизни билдириб турганингиз учун Сизлардан миннатдормиз.**

**Остонада эшик қоқиб турган 2014 – Соғлом бола йилида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаган ёруғ келажак омиллари ҳақидаги чиқишларимизда яна Сиз азиз муштарийлар эътибори, фикр-мулоҳазаларингизга таяниб иш кўриш ниятидамиз. Обод Ватан, соғлом авлод, умрбоқий халқимиз орзу истаклари йўлида янада баракали, ҳамфикр, ҳамқадам, ҳамжиҳатликда ёруғ юз билан дийдорлашиш барчамизга насиб этсин. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!**

## Замонавий хизмат:

# ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Вилоятимиз аҳли "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг 10 дан ортиқ махсус савдо уйининг тезкор ва замонавий хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Қибрай тумани марказида иш бошлаган шундай мажмуада мижозларга сифатли телефон, уяли алоқа, юқори тезликдаги интернет, интерфаол телевидение (IPTV) ва бошқа тезкор телекоммуникация хизматлари тақдим этилмоқда. Шу билан бирга мижозларга техник хизмат кўрсатиш, жорий тўловларни тез ва осон қабул қилиш учун ҳам қулай ва замонавий шарт-шароитлар вужудга келди.

Модомики, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига беқиёс эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб, пишиқ-пухта дастурлар амалга оширилаётган экан, уларнинг жойлардаги ижросига ҳамма ерда бирдек масъулият билан ёндошмоқ лозим. Шунда бундай кўламли дастурлар фақат шаҳар ё марказ жойларда эмас, вилоятимизнинг энг чекка ва олис қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли турмуш тарзида ҳам тўла-тўкис акс этади.

Бу мулоҳазалардан мурод шуки, айрим ҳудудларда бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш, маҳаллий бюджетни тўлдиришнинг муҳим манбаи бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг катта маблағ талаб қилмайдиган, хусусий тадбиркорликнинг етакчи бўғини бўлган анъанавий хизмат турларидан фойдаланиш имконияти ҳамон пастлигича қолаётир.

Айтайлик, бугун Бўка туманида қирққа яқин маҳалла бўлиб, уларда қарийб 115 минг аҳоли истиқомат қилади. Туманда аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳаларига эҳтиёжидан келиб чиқиб махсус дастурлар ишлаб чиқилган, албатта. Кейинги икки-уч йилнинг нари-берисида ҳудудда 500 дан ортиқ савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат шахобчалари ташкил этилгани ҳам эътирофга лойиқ.

Шундай бўлса ҳам, сал аввалроқ туманда бўлганимизда, аҳолининг хизмат кўрсатиш шахобчаларига эҳтиёжини ўрганишга, фикр ва мулоҳазаларини билишга ҳаракат қилгандик.

– Ҳудудимизда битта тартибли ишлайдиган сартарошхона хизматига эҳтиёж бор, – дейди "Гулистон" маҳалласи нуронийларидан Тожибой ота. – Негаки, баъзан соч олдириш учун ҳам туман марказига ёки қўшни ҳудудларга боришга тўғри келади. Устига-устак маҳалламизда 2,5 минг аҳоли яшашига қарамай, жамоат транспорти қатнови ҳам рисоладагидай эмас. Ёшларда-ку, куч-қувват бор, эринишмайди. Аммо, ёшинг бир жойга боргач, битта сартарошни деб узоққа бориш малол келади. Тадбиркорликка кенг йўл очилган пайтда бизнинг маҳаллада ҳам сартарошхона, чойхона, дўкон ва бошқа маиший ва савдо шахобчалари кўпайса, қандоқ яхши бўларди.

Тумандаги "Кўкорол" маҳалласида яшовчи фуқаро Денис Тимофеевнинг ҳам гаплари ўринли:

– Ўзим ахборот технологиялари бўйича мутахассисман. Бугун бу соҳа имкониятлари қанчалар илгарилаб кетганини яхши биламан. Афсуски, қишлоғимизда рўзғор техникалари, компьютерларга хизмат кўрсатувчи бирорта нуқта йўқ. Ҳатто, уяли алоқа ҳақини тўлашга ҳам баъзан қийналасан. Чунки, бундай шахобчалар жуда кам, борларининг ишида ҳам барқарорлик йўқ. Бундан ташқари, қишлоғимизда ёшларнинг билим ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи ахборот-ресурс марказлари, маданият муассасалари очилса, ёмон бўлмасди.

Бўкадан ўтиб, Бекобод томонларга юрамиз. Аввало, туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид саъй-ҳаракатлар туфайли йўл ёқалари ва аҳоли гавжум жойларда янги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш нуқталари пайдо бўлгани диққатни тортади. Аммо, ҳар қандай бизнес лойиҳа иқтисодий юксалишнинг каттами-кичикми, бир одими ҳисобланади. Шундай экан, бундай лойиҳани тайёрлашда унинг мақсади, у қаерда, қай кўринишда бўлади, молиялаштириш манбаи асослими, умуман, аҳолининг шунга эҳтиёжи борми, ҳудудларда яна нималар етишмайди, тадбиркорларда қандай таклифлар бор – булар мукаммал ўрганилиши шарт. Биз туманнинг "Қиёт", "Навбаҳор", "Маданият", "Баҳористон" ҳудудларида яшовчи фуқаролар билан суҳбатлашганимизда, бу жойларда аҳолининг ҳаётий ва кундалик эҳтиёжлари учун биринчи галда зарур бўлган сартарошхона, бутлаш-таъмирлаш, рўзғор техникаси устахоналари етишмаслигига амин бўлдик.

– Кейинги икки-уч йил ичида ҳудудимизда савдо ва маиший хизмат шахобчалари кўпайиб қолгани билан уларнинг ҳаммаси ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатмаяпти-да, – дейди Фарҳод маҳалласида яшовчи фуқаро М. Рисқулов. – Яна бир ноқулайлик – банк пластик карточкалари билан савдо қилишда юзага келаяпти. Масалан, мен яқин атрофда пластик карточка билан иш битирса бўладиган маиший хизмат шахобчаси борлигини билмайман.

Яна бир гап. Туман ҳудудидаги айрим савдо ва маиший хизмат шахобчаларидаги санитария ҳолатлари бугунги кун талабларидан йироқдек. Йўл-йўлакай ул-бул харид қилган киши бўлиб, Меҳнатобод, Қиёт, Бекобод, Авангард қишлоқларидаги айрим озиқ-овқат дўконларида бўлганимизда, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ҳаминқадар эканига гувоҳ бўлдик.

Ютуқлар бор жойда, камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Хулоса шундайки, ҳукуматимиз хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига иқтисодиётнинг қон томири сифатида муҳим эътибор бериб, қатор имтиёз ва қулайликлар яратаётган бир пайтда бизнинг биринчи галдаги вазифамиз тармоқ имкониятларидан самарали фойдалана билишдир.

Мақолага шундай хотима билан нуқта қўяётганимизда хизмат телефонимиз жиринглаб қолди. Таҳририятга хушхабар илиниб қўнғироқ қилаётган муштарийларимиздан бири экан.

– Мен Қибрайдан, Арғин қишлоғидан Холбуви аянгиз бўламан. Янги йил байрами арафасида ҳудудимизда, шундоқ катта йўл ёқасида икки қаватли супермаркет, ошхона ва маиший хизмат шахобчаси очилди. Янги йил дастурхонига бемалол шу ердан ноз-неъматлар харид қилаяпмиз. Бундай қулайликлар яратаётган тадбиркорларимиз омон бўлишсин, уларни қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатаётганлар асло кам бўлишмасин... Айтгандай, байрам баҳона қишлоғимизга бир келинглар-а...

**Шуҳрат МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Туҳфа





# ЯНГИ ЙИЛГА МУНОСИБ СОВҒА

**Ўрта Чирчиқ тумани Йўнғичқали қишлоғида 5 та мактаб, битта коллеж ва битта боғча бор.**

Уларга хизмат кўрсатаётган ҚВП бўлим мудири Салоҳиддин Холматов Соғлом бола йилини яқинда қуриб битказилган бинода кутиб олаётганидан мамнун. "Save the children" компаниясининг 280 минг доллар маблағи эвазига қурилган қишлоқ врачлик пункти шаҳарникидан қолишмайди. Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган муассасада 30 киши аҳоли хизматида. Уларнинг меҳнати зое кетмаяпти. Бу йил бирорта ҳам оналар ўлими қайд этилмади.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Қобилжон ҒАФУРОВ олган суратлар.**

Хушхабар

# ҲАМКАСБИМИЗ ҒОЛИБЛАР ҚАТОРИДА



**Ҳар соҳа, ҳар бир касб изланувчанликни ёқтиради. Айниқса, журналист учун бу хусусият энг зарур омил.**

Шу маънода ҳамкасбимиз, тиниб-тинчимас мухбир Хуршида Турсунбоеванинг меҳнатлари самараси бўй кўрсата бошлади. У яқинда "Beeline" компанияси уюштирган "Алоқада бўл!" номли республика танловида алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги энг яхши мақолалари учун III ўринга муносиб кўрилди. Унга танловнинг махсус дипломи, бронза микрофон ва эсдалик совғалари топширилди.

**Таҳририят.**

Обод турмуш йили

# БАРИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

**Обод турмуш йилида Чирчиқ шаҳар ФҲДЁ бўлими алоҳида иш режаси тузиб, шаҳар марказий шифохонаси, маънавият ва маърифат маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширди. Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом" ижросини таъминлашга қаратилди.**

Хусусан, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли ва салоҳиятли ёш авлодни тарбиялаш мақсадида шаҳардаги ўнга яқин касб-ҳунар коллежларида ўтказилган учрашув, давра суҳбати ва ўқув-семинарларда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси", "Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси билан таништириш", "Республика Президентининг "Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши, баркамол авлодни тарбиялашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, "Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик оила заволи", "Тарбияси бузилган ёшлар, улар ўртасидаги жиноятчилик, ноқобил ва нотинч оилалардаги аҳвол", "Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Обод турмуш – фаровон ҳаёт демакдир", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Соғлом онадан – соғлом бола", "Тиббий маданият – соғлом авлод гарови" каби мавзуларда баҳс-мунозара юритилди.

Шунингдек, маҳаллаларда давра суҳбатлари ўтказилиб, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, диний экстремизм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, аянчли оқибатлари аниқ мисоллар асосида кенг тушунтирилди.

**Муяссар КЕНЖАЕВА,**
**Чирчиқ шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси в.в.б.**

Тадбиркорлик

**Тадбиркорлик ҳар бир давлат иқтисодиётининг етакчи кучи, жамият тараққиётининг ўзагидир. Шу боис мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ хусусий мулк давлат ҳимоясига олинди. Конституциямизда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, бозор муносабатлари изчил ривожланиб бораётган мамлакат иқтисодиёти негизи хилма-хил мулк шаклларидан иборатлиги ва уларнинг тенглиги, истеъмолчи ҳуқуқининг устуворлиги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланди.**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Давлатимиз раҳбарининг "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ва қарорлари асосида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарлик либераллаштирилиб, ҳисобот, тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тизими соддалаштирилди.

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, давлат ва назорат органларининг улар фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига солиққа оид кенг имтиёзлар берилди. Ишлаб чиқариш суръатлари барқарор ўсиши ва рентабеллилигини таъминлаётган шундай субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунида оилавий тадбиркорлик унинг аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадидаги ташаббускорлик фаолияти экани ва иштирокчиларнинг ихтиёрийлигига асосланиши белгилаб қўйилди. Оилавий тадбиркорликни янада кенгайтириш ва фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадига қаратилган ушбу Қонун оилавий корхоналар ташкил этиш ва шу орқали оила аъзолари ва яқин қариндошларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча асослари ишлаб чиқилди. Шунингдек, бундай корхоналарга қулай солиқ имтиёзлари берилди.

Лекин шуниси ачинарлики, тадбиркорликни тор маънода, яъни фақат шахсий даромад орттириш деб тушунадиганлар ҳам бор. Сохта тадбиркорлар қонунларни ва қонуний солиқ тўловларини четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Ҳам ўзларини, ҳам давлатни алдаётган бундай тадбиркорлар қонунбузарлик учун албатта, жавоб берадилар.

Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодиётимиз тараққиётини, юртимиз фаровонлигини юртдошларимизнинг тадбиркорлик фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб, тадбиркорлар сафи кенгайиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати юксалиб бормоқда.

**Бектош ХАЛИЛОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг шахсий таркиб бўйича инспекцияси бош инспектори.**

# БАХТИЁР ФАРЗАНД

## ҳар томонлама мукаммал оилада туғилиб, ўсади

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизи ёш оилалар. Бу бир томондан, давлатимиз зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан катта имкониятлар ҳам беради. Зеро, баркамол ёш авлод, аввало оилада улғаяди. Ватан, эл-юрт, ота-она олдидаги бурч, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар оила муҳитида шаклланади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларииданоқ юртимизда оиланинг мавқеини ошириш, иқтисодий манфаатларини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маънавий-ахлоқий асосларини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби ҳам оилага бағишланиб, оила жамиятнинг асосий бўғини экани, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги эътироф этилди. Ўтган йиллар ичида Асосий Қонунимиздаги мазкур қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита ёки билвосита боғлиқ 50 га яқин қонун, 20 га яқин Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари қабул қилинди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида республика Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Оиланинг икки таянчи бор. Бири – иқтисодиёт, иккинчиси – маънавият. Улардан бири дарз кетса оила мустаҳкам бўлиши қийин. Шу боис, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ёшларда соғлом оила барпо этиш учун етарли билим ва масъулиятни шакллантириш муҳим. Ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш мақсадида улар никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.



Оиланинг мустаҳкам бўлишида қизларнинг никоҳ ёшига етган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, шу оддий ҳақиқатни тушунишни истамаган айрим ота-оналар никоҳ ёшига етмаган қизлар ва йигитларни шаръий никоҳлаб, қонунга хилоф иш тутмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

17 ёшга тўлмай турмушга узатилган қизларнинг организми фарзанд кўришга тайёр эмаслигини тушунтиришга ҳожат йўқ. Касб-ҳунар эгаси бўлмаган, дунёқараши тор она фарзанд тарбиясига масъулият билан қарай олмаслиги ҳам ҳаммага аён.

"Боланинг бегонаси бўлмайди" деган ҳикмат бор. Оилаларнинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини таъминлаш фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида ҳукуматимиз кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошираётган экан, бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Лола ШОМУРОДОВА,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси.**

ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг
Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси
ж а м о а с и
ватандошларимизни Янги – 2014 йил билан самимий муборакбод этади.

*Янги йилда жонажон юртимизнинг ҳар бир хонадонидан тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат, қут-барака аримасин! Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*

*Пойтахт вилоятимизнинг қўли қадоқ, кўнгли пахтадек оппоқ пахтакорлари – тажрибакору тадбиркор фермерларимиз ҳар қачонгидек «оқ олтин»дан улкан хирмон кўтардилар.*




# «ТОШКЕНТ ПАХТАСАНОАТ»

## ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*пахтакор фермерларни, вилоятнинг барча меҳнаткашларини*

# Янги – 2014 йил

*билан муборакбод этиб, Соғлом бола йилида бахт-саодат, хотиржамлик ва кўнглиободлик тилайди.
Янги йилда янги омадлар ёр бўлсин!*





**Диққат! Диққат! Диққат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят худудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри А. Навоий кўчаси 32-уйда жойлашган Олмалиқ шахар хокимлиги тасарруфидаги "Нотурар жой" қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони – 645,0 кв.м;
– бино ва иншоотларнинг умумий фойдаланиш майдони – 532,8 кв.м;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 293 112 000 сўм.
Балансда сақловчи: Олмалиқ шахар хокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

II. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Фахрийлар кўчаси 26-уйда жойлашган Олмалиқ шахар хокимлиги тасарруфидаги "Нотурар жой" қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони – 326,72 кв.м;
– бино ва иншоотларнинг умумий фойдаланиш майдони – 274,80 кв.м;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 183 000 000 сўм.
Балансда сақловчи: Олмалиқ шахар хокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

III. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Примқулова кўчаси 13-уйда жойлашган Олмалиқ шахар хокимлиги тасарруфидаги "Нотурар жой" қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони – 291,8 кв.м;
– бино ва иншоотларнинг умумий фойдаланиш майдони – 251,9 кв.м;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 174 130 000 сўм.
Балансда сақловчи: Олмалиқ шахар хокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

IV. Тошкент вилояти Паркент тумани, "Қорақалпоқ" ҚФЙ, Ёшлик қўрғони манзилида жойлашган "Паркент-Қорасув" ирригация тизими бошқармаси балансидаги, "Нотурар жой" қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 983,09 кв.м;
– умумий ер майдони – 0,78 га;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 489 469 000 сўм.
Балансда сақловчи: "Паркент-Қорасув" ирригация тизими бошқармаси.
Фаолият ихтисоси: Хизмат кўрсатиш.

V. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, 8-кичик нохия, 20-уйда жойлашган "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонасига қарашли, "Нотурар жой биноси".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 762,50 кв.м.
– умумий фойдаланиш майдони – 730,20 кв.м;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 263 943 300 сўм.
Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонаси.
Фаолият ихтисоси: Уй жой фондини хусусийлаштириш.

VI. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Аскоченский кўчасида жойлашган "Ғунча" МЧЖнинг ижтимоий соҳа объекти бўлган, "Профилактория Санаторияси" бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 1241,6 кв.м.
– умумий ер майдони – 0,3878 га.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 656 783 000 сўм.
Балансда сақловчи: "Ғунча" МЧЖ.
Фаолият ихтисоси: ишлаб чиқариш.

VII. Тошкент вилояти Янгийўл тумани "Ниёзбоши" ҚФЙ худудида жойлашган Янгийўл тумани ҳокимлигига қарашли, "Нотурар жой" бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 338,05 кв.м.
– умумий ер майдони – 0,2343 га.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 185 771 000 сўм.
Балансда сақловчи: Янгийўл тумани хокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

VIII. Ангрен шаҳар ҳокимлигига қарашли, Тошкент вилояти Ангрен шаҳри, 4-даҳа 18-уйнинг "Нотурар жой қисми".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 442 кв.м.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 147 684 000 сўм.
Балансда сақловчи: Ангрен шаҳар ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

IX. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 33-уй манзилида жойлашган "Ғишт Заводи" хусусий корхонасининг ижтимоий соҳа объекти бўлган, фойдаланилмаётган "Ошхона биноси".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 415,52 кв.м.
– бинонинг умумий фойдаланиш майдони – 334,71 кв.м.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 310 451 000 сўм.
Балансда сақловчи: "Ғишт Заводи" хусусий корхонаси.
Фаолият ихтисоси: ишлаб чиқариш.

X. Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳудудида жойлашган, "Чинобод нефт базаси" УКнинг балансидаги фаолият юритмаётган "Қибрай нефт базаси".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 3002,54 кв.м.
– умумий ер майдони – 3,45 га.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 2 770 176 000 сўм.
Балансда сақловчи: "Чинобод нефт базаси" УК.
Фаолият ихтисоси: хизмат кўрсатиш.

XI. Ангрен шаҳар ҳокимлигига қарашли, Тошкент вилояти Ангрен шаҳри, 5/1а-даҳа жойлашган 15-уйнинг "Нотурар жой қисми".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 424 кв.м.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 196 930 000 сўм.
Балансда сақловчи: Ангрен шаҳар ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 31 январ куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 14, 28 феврал ва 14 март кунлари, 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги хужжатларни илова қилган холда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

---

Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар **ТУГАТИЛАДИ:**

| № | Корхона номи | Ташкилий ҳуқуқий шакли | Тошкент шаҳар Хўжалик судининг ҳал қилув қарори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | рақами | санаси |
| 1 | COOLING SYSTEMS | MCHJ | 10-1303/21955 | 18.12.2013 |
| 2 | JIM SCHOOL | MCHJ | 10-1303/21956 | 18.12.2013 |
| 3 | BON SNACK | MCHJ | 10-1303/21957 | 18.12.2013 |
| 4 | BEST BROK | MCHJ | 10-1303/21958 | 18.12.2013 |
| 5 | RENT GROUP SERVIS | MCHJ | 10-1303/21959 | 18.12.2013 |
| 6 | GLOBAL LYUKS BUSINESS | MCHJ | 10-1303/21960 | 18.12.2013 |
| 7 | RIASH PROGRESS | MCHJ | 10-1303/21951 | 18.12.2013 |
| 8 | BLACK BOX PLUS | MCHJ | 10-1303/21952 | 18.12.2013 |
| 9 | SIRIUS-SABAH | MCHJ | 10-1303/21953 | 18.12.2013 |
| 10 | ELEKTRTARMOQQURILISHBUTLASH | MCHJ | 10-1303/21954 | 18.12.2013 |
| 11 | MASHJIHOZTA'MINOT | SHK | 10-1303/21961 | 18.12.2013 |
| 12 | UZPOLIMER SANDY TILE | MCHJ | 10-1303/21962 | 18.12.2013 |
| 13 | MAQSUD IMPEX | MCHJ | 10-1303/21963 | 18.12.2013 |
| 14 | MIRSODIQ VA MAPURA | XK | 10-1303/21964 | 18.12.2013 |
| 15 | VERMIKULIT TRADE INDUSTRY PLUS | MCHJ | 10-1303/21965 | 18.12.2013 |
| 16 | CHAQAR AVTO SAVDO | MCHJ | 10-1303/21966 | 18.12.2013 |

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат давомида Яккасарой тумани ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
**Мурожаат учун тел.: 255-73-69.**

---

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7705/22-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қ.ф.й., А. Темур кўчаси, 273-уй. Бошланғич баҳоси – 110 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 13 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Яккасарой тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 1-2299/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 67-8-уй, 15-хонадон. Бошланғич баҳоси – 200 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 28 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

---

ООО "LANDSHAFT SERVIS PLYUS" (ИНН 302278181), зарегистрированное ИРСП Мирабадского района г.Ташкента за реестр № 005787-03 от 19.04.2012 г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 3 от 27.12.2013 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

---

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BESH QO'RG'ONLIKLAR" хусусий корхонаси номига 2011 йил 11 январда берилган 05-2835-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ООО "AL'N-TEGIN" (ИНН 301413609), зарегистрированное хокимиятом Зангиатинского района Ташкентской области сообщает об уменьшении уставного фонда с 61 413 795 сум до 40 029 214 сум.

Претензии принимаются по телефону: 125-12-70.

---

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "STATIONERY TRADE" (ИНН 207157244) МЧЖга 31.07.2012 йилда № 008099-08-сонли реестр рақами билан берилган давлат рўйхатига олинганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг асл нусхаси ва 01.08.2012 йилда УС № 009035-сонли жамиятга улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг асл нусхаси ҳамда жамият устави таъсис шартномасининг асл нусхалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тел.: 319-36-18.

---

"HOSIYAT" хусусий корхонаси "HOSIYAT" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини ҳамда "HOSIYAT" масъулияти чекланган жамияти "HOSIYAT" хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.

---

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 18.06.2010 йилда 003813-01-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAPFIR STAR STONE" МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома, устав, думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

"ZIYODA-SARDOR" МЧЖнинг устав жамғармаси 332 100 070 сўмдан 101 400 895 сўмга камайишини маълум қилади.

---

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган "YUR MASS MEDIA PRESS" МЧЖга Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 2009 йилда берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2009 йил 22 июнда Хамраева Махлиё Усманалиевнага берилган № 293635 рақамли диплом кўчирмаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг раҳбарияти ва касаба уюшмаси Тошкент вилояти Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директори Ибрагим Расуловга волидаи муҳтарамаси

**ЗАННА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---



“Ўзвиносаноат-Холдинг” компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

---

"SAMO KAFOLAT TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли 0041597/DAMAS/10 Y 740 JA, 0042622/DAMAS/01 U 509 JA, 0042636/DAMAS/01 H 851 MA, 0042654/ГБА СПГ ДАМАС/01 J 769 BA, 0042656/ГБА СПГ ДАМАС/01 H 601 EA, 0042657/ГБА СПГ ДАМАС/01 E 394 CA, 0042662/ГБА СПГ ДАМАС/10 B 729 EA, 0042661/DAMAS/01 Q 053 GA, 0042469/ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO/10 O 760 AA, 0041569 САНГ ЕНГ ИСТАНА 10 T 554 JA, 0041570/ ИСТАНА/10 F 233 JA, 0041571/ОТАЙЎЛ M-24/10 O 71 JAA транспорт воситаларининг лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

"SEDAN AVTOTRANS" МЧЖга тегишли бўлган 0038582/DAMAS/10 D 780 JA, 0042423/ГБА СПГ ДАМАС/10 P 739 GA, 0042422/ГБА СПГ ДАМАС/10 Y 562 BA транспорт воситаларининг лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

"KELES LYUKS TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган 0033940/ДАМАС СПГ/01 K 446 GA, 0039315/ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO/10 T 560 AA, 0039345/ГБА СПГ ДАМАС/ 10 W 036 JA, 0039341/ГБА СПГ ДАМАС/10 E 015 HA транспорт воситаларининг лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

"DILSHOD-SHANS-AVTOTEXSERVIS" МЧЖга тегишли бўлган 0034018/DAMAS DAEWO/10 U 049 AA, 0038554/ГБА СПГ ДАМАС/10 Q 136 FA транспорт воситаларининг лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 008012-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TRADE SERVICE LEADER" МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 2013 йил 30 ноябрдаги 3-сонли баённома).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 622-60-24 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

---

Учтепа туманидаги "Ibsul-fer industriese" МЧЖнинг устав жамғармаси 149 000 АҚШ долларидан 4 844 600 сўмга камайишини маълум қилади.

---

Олмазор тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2012 йил 14 августда (реестр № 006038-05, № 007631-сон) рўйхатга олинган "MOZIY VA TABIAT" шўъба корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 630-сонли қарори).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 давомида Тошкент-95, А. Ниёзов-1 манзилида ёки 246-33-95, 246-95-31 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

---

ООО "AVANGARD INVEST LEASING" (ИНН 302429135), зарегистрированное ИСРП хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, почтовый адрес: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Ш. Руставели, дом 65-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол внеочередного общего собрания общества от 27.12.2013 г. за № 27/12/13).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99890) 958-07-02.

---

Аввал Тошкент шаҳри, Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 10.05.2011 йилда 001130-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган MKT VATANPARVAR "MIROBOD O'QUV STK" нодавлат таълим муассасасининг мулкчилик шакли MKT VATANPARVAR "MIROBOD O'QUV STK" унитар корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

---

Утерянные круглая печать и угловой штамп, выданный на ЧПП "TRES" Яккасарайского района г. Ташкента, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

## Эҳ, сиз одамлар

# ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ



Абдураҳим 20 йил трактор ҳайдади. Қаҳратон қиш кунларининг бирида оёғини совуққа олдирди. Шифокорлар айтган муолажани қилди, аммо фойдаси бўлмади. Энди қўшни қишлоқдан табиб чиққанини эшитиб келиб, кўпчилик қатори навбат кутиб ўтирибди.

Шу пайт бир йигит "пўшт-пўшт"лаб, 50 ёшлар чамасидаги озғин, рангпар кишини опичлаганча, табиб хонасига кириб кетди. Йигитнинг елкасидаги киши унга танишдек туюлди. Шунда ёнидаги аёл:

– Қандай барваста йигит эди-я, дард филни ҳам йиқитар экан-да! – деб қолди. – Колхозда бош ҳосилот, бўлим бошлиғи, кейинчалик фермер бўлганда, гурс-гурс қадам ташлаб юришларини кўрсангиз эди... Исми, адашмасам, Ғуломжон бўлса керак. 10 йилдан буён аҳволи ўнгланмайди.

Бу исмни эшитиб, Абдураҳим "Астағфируллоҳ! Ҳа, бу ўша..." деб юборди.

...Ғуломжон бўлим бошлиғи эди. Бир куни Абдураҳимни идорага чақирди:

– Ака, шоличилик хўжалигида 100 гектар ижара ерим бор. Шуни ҳайдаб берасиз. Иссиқ-совуғингизни вақтида етказиб турамиз. Ҳаққингизга эса нақд пул бераман. Катталар билан ҳам келишиб қўйганман.

Қиш-қировли кунларда ерлар фақат музлама пайтлари ҳайдалиши боис шудгор хийла чўзилди. Бошида Абдураҳимдан хабар олиб турган Ғуломжон қаҳратон кунларда иссиқ овқат тугул, чой ҳам келтирмай қўйди. Абдураҳим эса кимсасиз далада ишини давом эттираверди.

Бир куни ярим тунда трактор бузилиб қолди. Роса уриниб, тузатолмади. "Нима қилиш керак?" Уйга қайтай деса, бийдай шолипояда тракторни ташлаб кетиб бўлмайди. Фуфайкасига ўраниб, кабинада ётар экан, пахталик шимини киймаганига ачинди. Бироз кўзи илиниб, уйғонганида эса оёқларидан совуқ ўтиб, тошдек қотиб қолганини ҳис этди. Бир амаллаб кабинадан тушиб, аста-аста юра бошлади. Катта йўлга чиққанида тонг бўзарди.

Хуллас Абдураҳим ишни битириб, Ғуломжонга учради:

– Раҳмат, ака! Жуда яхшилаб ҳайдаб бердингиз. Ҳақингизни албатта бераман, – деди Ғуломжон. Абдураҳим ҳам: "Қачон берасан?" деб сўрамади.

Орадан кунлар ўта бошлади. Уйда эса етишмовчилик: ҳали ун йўқ, ҳали ёғ... Хотини ҳам жаврагани-жавраган:

– Ишлаган ҳақингизни ҳам эплаб ололмайсиз. Нима, сиз қулмисиз? Ё ўзим бориб ёқасидан олайми?

Абдураҳим яна идорага борди. Яна қуруқ ваъда олиб қайтди. Ҳартугул бир куни аниқ жавоб олгандай бўлди: "Ойлигингизга қўшиб ёздириб бераман". Аммо кунлар кетидан ойлар ўтса ҳам пулини ололмади. Тўғри, бир қоп ун ва 10 килограмм ёғ ундирди.

– Энди, ака, кузги шудгор ҳам яқинлашиб қолди, ана ўшанда, албатта, пулингизни ёзиб бераман, – деган Ғуломжон пахта терим пайтидаёқ ишдан бўшаб кетди.

Абдураҳим энди Ғуломжоннинг шаҳарчадаги уйига қатнай бошлади. Аммо пойабзали тўзиди-ю, Ғуломжондан бир сўм чиқмади. Ваҳоланки, уйига тонна-тонналаб шоли олиб келиб, босиб қўйганидан Абдураҳимнинг хабари бор эди.

Абдураҳим кўнгилчан одам эмасми, у билан уришмади, сўкишмади. Фақатгина охирги боришида: "Сени Худога солдим" деди-ю, қайта бормади ҳам, сўрамади ҳам...

**Карим МАВЛОН.**



## XXI аср ва дунё

### ЧЕРКОВДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

**Reuters тарқатган хабарда айтилишича, Бағдоддаги черковлардан бирида содир этилган кучли портлаш 24 кишининг умрига зомин бўлди.**

Черков олдида қолдирилган автомобиль айнан одамлар ибодатдан қайтиб чиқаётган пайтда портлади. Бундан бироз олдин эса бозор яқинида иккита бомба портлаган эди. Ушбу хунрезлик оқибатида ўн киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Умуман, кетма-кет юз берган учта портлаш, 34 кишининг айбсиз ўлимига сабаб бўлди. Яна 52 киши жабр кўрди. Бироқ, агентликнинг маълум қилишича, содир этилган террорчилик ҳаракатларини ҳали бирорта ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.

2000-йилларнинг бошларида Ироқда бир ярим миллионга яқин христиан динига мансуб аҳоли яшар эди. Ўтган даврда улар уч баравар камайиб кетди.



### ТУРКИЯ ҲУКУМАТИ ТАРКИБИ ЎЗГАРДИ

**Туркия бош вазири Режеп Тайил Эрдоган мамлакат ҳукумати таркибидаги 10 нафар вазирни алмаштирганини маълум қилгани ҳақида хабар берди Reuters агентлиги.**

Истеъфога жўнатилган вазирлар қаторида Европа Иттифоқи билан ўзаро муносабатлар вазири Эгемен Багис ҳам бор. Унинг ўрнини Мевлут Кавус ўғли эгаллаганини маълум қилди AFP агентлиги. Адлия вазири Саъдулла Эргин ҳам лавозимидан бўшатилди. Ўрнига ким тайинланганини эса эълон қилинмади.



Эрдоган мамлакат президенти Абдулла Гулга ҳукуматнинг янги аъзолари рўйхатини тақдим этди. Айнан ўша куни яна уч вазир: экология ва шаҳар режалаштириш вазири Эрдоган Байрактар, иқтисодиёт вазири Зафер Чаглаян ва ички ишлар вазири Муаммер Гулер истеъфога чиққанларини маълум қилишди.

Туркияда декабрнинг ўрталаридан буён коррупция билан боғлиқ жанжал давом этмоқда. Қўлга олинган 80 кишидан фақат 24 нафарига ўғирлик, камомад ва коррупцияга оид бошқа айбловлар юклатилди.

Коррупцияга қарши тергов бошлангани Эрдоганнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. У Туркияга душман кучлар "халқаро фитна" уюштиришяпти деган фикрни айтди.

### ЎТТИЗ КИШИ ТОШҚИН ҚУРБОНИ

**Бразилиянинг шарқида тўққиз кундан бери тўхтамай ёғаётган жала оқибатида юз берган тошқин ва кўчкилар 30 кишини ҳаётдан бевақт олиб кетди.**

Тинимсиз ёғингарчилик Эспириту-Синту ва Минас-Жерайс штатларининг айрим ҳудудларини табиий офат зонасига айлантириб юборди. Айниқса, Эспириту-Синтуда аҳвол жуда оғир. 50 мингга яқин киши махсус тайёрланган бошпана ёки қариндошлари ва таниш-билишлариникидан паноҳ излашга мажбур, деган фикрни билдирди ИТАР-ТАСС мамлакат граждан мудофааси хизмати маълумотига таяниб.

Жабр кўрган туманларга федерал фондлардан ёрдам юборилмоқда. Қутқарув



ишларига Бразилия қуролли кучлари бўлинмалари жалб этилди. Кейинги 90 йилдан буён мамлакат шарқида бундай кучли ёғин бўлмаганди. Бунинг устига синоптиклар ҳам аҳолини тинчлантирувчи хабар ўрнига ёғин яқин кунларда тўхтамаслигини маълум қилмоқдалар.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, табиий офат мамлакат қишлоқ хўжалигига, айниқса, қаҳва плантацияларига катта зарар етказди. Зеро, Бразилия қаҳвасининг тўртдан бир қисми Эспириту-Санту штатида етиштирилади.

### ПЎРТАНАНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ

**Европага қақшатқич қишки пўртана – "Дирк" ёпирилди. Бир қанча мамлакатда кучли жала йўлларни сув остида қолдирди. Кучли шамол ҳудуд аҳолисини электр энергиясидан маҳрум этди.**

Францияда россиялик денгизчи бедарак йўқолди. Британияда "Дирк" пўртанаси автотранспорт ҳаракатини бўғиб қўйди ва 150 мингдан зиёд аҳолини чироқсиз қолдирди. Сайтлардаги хабарларга қараганда Британияда ҳам тўрт киши офат қурбонига айланган. ИТАР-ТАССнинг таъкидлашича, яна беш киши ҳалок бўлган. Улардан икки нафари чўкиб кетган.

Ер кўчкилари, қулаган дарахтлар, сув босган йўллар темир йўллардаги ҳаракатни издан чиқарди.



Электр таъминотидаги узилишлар сабабли Лондондаги "Гэтвик" аэропортида бир нечта рейсни бекор қилишга тўғри келди. Францияда ҳам аҳвол таҳликали. Курорт шаҳар Ниццадаги аэропорт етти соатга ёпиб қўйилди. Мамлакат шарқида шамолнинг тезлиги соатига 165 километрга етмоқда.

Испанияда Галициянинг шимоли-ғарбида кучли шамол хуруж қилмоқда. Темир йўл устига қулаган дарахт электр поездларидан бирининг издан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Кўргазма

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида анъанавий "Табиат ва рассом" бадиий кўргазмаси очилди.**

# ТАБИАТ ВА РАССОМ

Тадбирда Ўзбекистон бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий санъатни янада ривожлантириш, юртимизда бу борада шаклланган қадимий мактабларнинг анъаналарини ўрганиш, ривожлантириш ва бойитиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

"Табиат ва инсон" мавзусидаги ушбу кўргазмага таниқли мўйқалам соҳиблари билан бирга, ёш ижодкорларнинг рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошликка оид уч юздан ортиқ асари қўйилган. Уларда юртимизнинг гўзал табиати, меъморий обидалар, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, меҳнаткаш ва бунёдкор халқимиз қиёфаси акс этган.

**Б. МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Билиб қўйган яхши

### САБЗИ КОНИ ФОЙДА



Сабзи шарбатига тенг миқдорда асал қўшиб, ҳар куни 5-6 марта бир чой қошиқдан истеъмол қилинса, йўталдан халос қилади. Ушбу муолажа айниқса, болалар учун жуда фойдали.

Йўталда балғам кўчиши осонлашиши учун янги тайёрланган сабзи шарбати ва сутни тенг миқдорда аралаштириб, кунига 5-6 марта 1 ош қошиқдан ичиб туриш лозим.

Миокард инфарктнинг илк кунларидан каротин моддасининг манбаи – сабзи шарбати кунига 2-3 марта 100 миллилитрдан ичилса, беморнинг аҳволи яхшиланади.

Тери куйганда, совуқ урганда, шунингдек, битиши қийин бўлган йирингли яра ва жароҳатларда фойдаланилади. Бунинг учун жароҳатланган жойга сархил сабзи қирғичдан ўтказиб қўйилади ёки сабзи шарбати билан ювилади.

Оғиз ва милклар яллиғланганда, стоматитда сабзи шарбати билан томоқ ва оғиз чайилади. Чақалоқлар танаси яхши ривожланиши учун ҳам сабзи шарбатидан фойдаланиш тавсия этилади.

## Рассом хандаси




caricatura.ru

## Мулоҳаза

# ОЛТИНУ ЗАРГА ТОПИЛМАС

Фарзанд – бахт-иқболимиз, умид чироғимиз. Унинг камоли, бахти, тўкис ҳаёти йўлида елиб югурамиз. "Мен кўрмадим болам кўрсин, мен киймадим болам кийсин", деймиз. Айтганларини зиёда қилишга интиламиз. "Мен ахир сизларни деб, юрибманда", деб эркалаймиз. Зеро, ҳар бир боланинг ота-она бағрида ҳеч нарсага зориқмай ўсганига нима етсин. Лекин ортиқча эркалаш бола тарбиясига акс таъсир кўрсатишини унутиб қўямиз.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний: "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир", деганда мутлақо ҳақ эди. Чунки фарзанд пухта тарбияси, гўзал ахлоқ-одоби билан ширин. Яхши хислатлар эса, аввало оилада қарор топади.

Фарзандларимиз бугун жуда бахтли. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари учун давлатимиз барча шароитларни яратиб қўйган. Техника асрида замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол. Бироқ бугун шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот оқими, "оммавий маданият" хуружи фарзандларимиз тарбиясига рахна солмайди дея олмаймиз.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Кўчада ўнга яқин йигитчалар бир-бирини туртиб, нимадир томоша қилишарди. Уларга яқинлашиб, ҳатто ораларига кириб, кузатаётганимни сезишмади ҳам. Қимматбаҳо қўл телефонидаги беҳаё суратларга кўзим тушиб, уятдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Уялмайсизларми, десам, одобсизларча: "Сизга нима?" дейишди. Мана айрим ёшларимизнинг маънавияти. Фарзандининг айтганини қилиб, қимматбаҳо қўл телефони олиб берган ота-она боласининг нима билан машғуллигини ҳам билиши керак-ку! Катталарнинг бугунги бепарволиги, эътиборсизлиги эртага уларга нохушлик келтиришини бир ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади" дея таъкидланган. Келажагимиз эгаларини турли иллатлардан асраш, уларнинг тафаккуридаги бўшлиқни эзгулик, маърифатни тарғиб қилувчи фикрлар билан тўлдириш, фойдали меҳнатга жалб этиш, билим олишга ундашга барчамиз бирдек масъулмиз. Чунки тарбия умумий ишимиздир. Уни ҳеч нарса билан алмаштириб ёки олтину зарга сотиб олиб бўлмайди.

**Ҳакима НАЗАРОВА,**
**Миллий тикланиш демократик партияси Зангиота тумани кенгаши раиси.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# «МУБТАЛО БЎЛДИМ СЕНГА...»

**Миллион доллар топишни хоҳлайсизми? Айтайлик, кимдир келиб, сизгаққққисдан шунча пулни таклиф этса, нима қилардингиз?**

**Яқинда ўқиб қолдим. Голливуднинг қайсидир номдор киноюлдузига бир фильмдаги бош ролни беришмоқчи бўлишибди. Шугина роли учун унга жуда катта гонорар – 1 миллион доллар таклиф этишибди. Бироқ, сценарий билан танишиб чиққан актёр ... ролни рад этибди. Продюссерлар гонорарни оширишса ҳамки, санъаткор кўнмабди. "Сизга ёмон ҳақ тўламаяпмиз-ку, нега бош тортаяпсиз?" дейишганда, машҳур актёр: "Бу роль менинг инсонийлик шаънимга тўғри келмайди. Пулга-ку, эҳтиёжим бор, аммо қанча ҳақ тўласангиз ҳам бундай бемаъни фильмда суратга тушишга рози бўлмайман" деган экан...**

Айтинг-айтинг, ишқилиб, Фахриддин Мирзоназаров каби енгил-елпи, ҳаром-хариш йўл билан бўлсада, бойлик топиш дардига мубтало бўлганларга қайси бир кимса келиб, шунча пуллик бирор хизмат таклиф қилиб қолмасин-да. Негаки, бу тоифадагилар ҳай-ҳай демасангиз, бунча пул учун сизу бизни елим халтага ўраб, этик пошнасига тиқиб юборишдан ҳам тоймайди.

Асли сурхондарёлик Фахриддин Мирзоназаров бундоқ ўйлаб қараса, бир зумда, қўлини ҳатто совуқ сувгаям урмасдан нақ 16 минг АҚШ доллари ишлаб олиши мумкин экан. Гап шундаки, Фахриддин Россия давлатининг Санкт-Петербург шаҳрида қурилиш объектларида ишлаб юрган кезлари ўша ерлик Володя исмли шахс билан танишиб қолди. Биринчи кўриш таниш, иккинчиси – билиш, деганларидек, Фахриддин янги танишининг гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланишидан хабар топди. Кунларнинг бирида Володя "ёрилди":

– Қачонгача кўча супуриб юрасан? Агар героин олиб келиб бериб турсанг, ҳар граммига 20 доллардан санаб оласан!

Устаси фаранг оғуфуруш шу тақлид Фахриддинга заҳри қотилни қандай қилиб олиб ўтишу етказиб беришга доир бири-биридан антиқа йўл-йўриқларни тушунтира кетди. Айниқса, унинг бир жуфт этик таглигига бемалол 1 килограмм героинни яшириш мумкинлиги ҳақидаги таклифи маъқул келди, шекилли, Фахриддин юртига қайтгач, бозор оралаб, этик қидириб қолди. Тўғри-да, ўзи Россияга қурилишда ишлаш учун бориб-келиб турган бўлса, курувчига – этик керак бўладида. Ҳеч ким шубҳаланмайди.

Этик-ку, бир зумда топилди, аммо "анқонинг уруғи"-чи? Шу тобда эски танишларидан бири, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани, "Уч тиргарон" кўчасида яшовчи Дилшод Сайфиддинов ёдига тушди. Пули бўлса, қорни ҳам ёндирувчи бу шоввоз 6000 АҚШ доллари эвазига Фахриддинга сўрагани – 800 грамм героин гиёҳвандлик моддасини келтириб берди.

Айтиш керакки, Фахриддиннинг ўзида бунча пул йўқ эди. Лекин, фойда деганлари жилваланиб турганда, қарз-қурз кўтарса, осмон узилиб ерга тушармиди? Ахир "гера"нинг ҳар мисқоли 20 доллар турса, қарздан қутулиш тугул, яхшигина фойда ҳам кўриш мумкин. Шу хаёлда Фахриддин қурилиш қилаётганини баҳона қилиб, акаси Абдукарим Мирзоназаровдан қарз кўтарди. Озроқ етмаганини ўзи қўшди. Хуллас, бир жуфт этикни қўлтиқлаб, Тошкент вокзали сари равона бўлди.

Иттифоқо, шу куни вокзалдан билет топилмаса, денг. Наилож, қош бўлмаса – ўсма-да! Сал нарида қўшни Қозоғистон манаман деб турибди. Бойлик васвасасига тушиб, икки дунёни бир қадамга жо қилган Фахриддин Зангиота туманидаги "Ғишт кўприк" божхона пости орқали қўшни республикага чиқиб кетишга чоғланди. Сиртидан сир бермаса ҳам, жонини ҳовучлаганча назорат постидан ўтаётган Фахриддиннинг қўлидаги "хуржун"и текширилганда, унинг ичидаги бир жуфт эркаклар этиги божхона ходимларининг эътиборини тортдими, ишқилиб назоратчиларда шубҳа уйғонди. У синчиклаб кўздан кечирилганда бутун сир-синоат фош бўлди-қўйди. Еттита елим пакетга ўроғлик ўткир ҳидли модда холислар иштирокида олиниб, экспертизага юборилди. Ваколатли идоралар берган экспертиза хулосаси этик таглигига жойлашган заҳри қотил жами 789 грамм 9 миллиграмм миқдорида героин гиёҳвандлик моддаси эканлигини рўйирост тасдиқлади.

Бу ҳодисага шу йил 14 август куни жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судида холис ва ҳаққоний нуқта қўйилди. Оғуфурушнинг қилмиши қонун тарозусига қўйилиб, жиноят тафсилотларининг барча жиҳатлари синчиклаб муҳокама қилинди, холислар, гувоҳлар тингланди, ишни оғирлаштирувчи ҳамда енгиллаштирувчи барча омиллар бирма-бир ўрганиб чиқилди. Ниҳоят, ҳукм янгради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топилган судланувчи Фахриддин Мирзоназаров 12 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шу ўринда мазкур жиноятнинг Дилшод Сайфиддинов, Володя ва шахси аниқланмаган бошқа иштирокчиларига тегишли қисми алоҳида иш юритувига олинганини ҳам қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бойлик орттиришнинг минг битта йўли бор дейишади. Бироқ, ўғрилик, мунофиқлик, қаллоблик, таъмагирлик билан ёки бировга зиён-заҳмат етказиш, орномусни, виждону имонни топташ орқали орттирилган бойлик ҳеч қачон яхшилик келтирмаган.

**Асил БЕКМУРОДОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8843. Адади 6909. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50.